



**New Day in Medicine**  
**Новый День в Медицине**

**NDM**



# TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



**AVICENNA-MED.UZ**



ISSN 2181-712X.  
EiSSN 2181-2187

**11 (49) 2022**

**Сопредседатели редакционной  
коллекции:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,  
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

**Ред. коллегия:**

М.И. АБДУЛЛАЕВ  
А.А. АБДУМАЖИДОВ  
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ  
М.М. АКБАРОВ  
Х.А. АКИЛОВ  
М.М. АЛИЕВ  
С.Ж. АМИНОВ  
Ш.Э. АМОНОВ  
Ш.М. АХМЕДОВ  
Ю.М. АХМЕДОВ  
Т.А. АСКАРОВ  
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)  
Е.А. БЕРДИЕВ  
Б.Т. БУЗРУКОВ  
Р.К. ДАДАБАЕВА  
М.Н. ДАМИНОВА  
К.А. ДЕХКОНОВ  
Э.С. ДЖУМАБАЕВ  
А.Ш. ИНОЯТОВ  
С. ИНДАМИНОВ  
А.И. ИСКАНДАРОВ  
С.И. ИСМОИЛОВ  
Э.Э. КОБИЛОВ  
Д.М. МУСАЕВА  
Т.С. МУСАЕВ  
Ф.Г. НАЗИРОВ  
Н.А. НУРАЛИЕВА  
Б.Т. РАХИМОВ  
Ш.И. РУЗИЕВ  
С.А. РУЗИБОВЕВ  
С.А. ГАФФОРОВ  
Ж.Б. САТТАРОВ  
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)  
И.А. САТИВАЛДИЕВА  
Д.И. ТУКСАНОВА  
М.М. ТАДЖИЕВ  
А.Ж. ХАМРАЕВ  
А.М. ШАМСИЕВ  
А.К. ШАДМАНОВ  
Н.Ж. ЭРМАТОВ  
Б.Б. ЕРГАШЕВ  
Н.Ш. ЕРГАШЕВ  
И.Р. ЮЛДАШЕВ  
Д.Х. ЮЛДАШЕВА  
А.С. ЮСУПОВ  
М.Ш. ХАКИМОВ  
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)  
DONG JINCHENG (Китай)  
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)  
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)  
В.А. МИТИШ (Россия)  
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)  
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)  
А.А. ПОТАПОВ (Россия)  
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)  
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)  
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)  
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)  
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

[www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)

<https://newdaymedicine.com>

E: [ndmuz@mail.ru](mailto:ndmuz@mail.ru)

Тел: +99890 8061882

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН  
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ  
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал*

*Научно-реферативный,*

*духовно-просветительский журнал*

**УЧРЕДИТЕЛИ:**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский  
исследовательский центр хирургии имени  
А.В. Вишневского является генеральным  
научно-практическим  
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных  
изданий, рецензируемых Высшей  
Аттестационной Комиссией  
Республики Узбекистан  
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)  
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)  
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)  
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)  
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)  
У.К. КАЮМОВ (Ташкент)  
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)  
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)  
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)  
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)  
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

**11 (49)**

**2022**

*ноябрь*



УДК 616.34-08-07

## ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРДА ПАРОДОНТ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШДА ЦИТОЛОГИК ТЕКШИРУВ КЎРСАТКИЧЛАРИ

<sup>1</sup>Эронов Ё.Қ., <sup>2</sup>Мирсалихова Ф.Л.

<sup>1</sup>Бухоро давлат тиббиёт институти, <sup>2</sup>Тошкент давлат стоматология институти

### ✓ Резюме

*Пародонт касаллигини даволаш муаммоси ҳозирги кунга қадар аҳамиятли бўлиб қолмоқда. Сурункали гингивитни комплекс даволашда маълум ютуқлар, унинг олдини олинишини мукамаллаштирилишига қарамасдан, ушбу патологиянинг юқори даражаси, касалланишнинг огишмай ўсиши муаммонинг долзарблигидан гувоҳлик қилади. Бу пародонт касалликларининг кенг тарқалганлиги (80-95%), клиник намоён бўлишларининг турли-туманлиги билан боғлиқ диагностик қийинчиликлар, даволаниши ва олдини олинишининг мураккаблиги билан боғлиқ.*

*Калит сўзлар: Имконияти чекланган болалар, пародонт касалликлари, ташихислаш, цитологик текширув.*

## ПОКАЗАНИЯ К ЦИТОЛОГИЧЕСКОМУ ИССЛЕДОВАНИЮ В РАННЕЙ ДИАГНОСТИКЕ ЗАБОЛЕВАНИЙ ПАРОДОНТА У ДЕТЕЙ С ОГРАНИЧЕННЫМИ ВОЗМОЖНОСТЯМИ

<sup>1</sup>Эронов Ё.Қ., <sup>2</sup>Мирсалихова Ф.Л.

<sup>1</sup>Бухарский государственный медицинский институт,  
<sup>2</sup>Ташкентский государственный стоматологический институт

### ✓ Резюме

*Проблема лечения заболеваний пародонта остается актуальной и по сей день. Определенные достижения в комплексном лечении хронического гингивита, несмотря на то, что его профилактика доведена до совершенства, высокий уровень этой патологии, неуклонный рост заболеваемости свидетельствуют об актуальности проблемы. Это связано с широкой распространенностью заболеваний пародонта (80-95%), диагностическими трудностями, связанными с разнообразием клинических проявлений, сложностью их лечения и профилактики.*

*Ключевые слова: Дети с ограниченными возможностями, заболевания пародонта, диагностика, цитологическое исследование.*

## INDICATIONS FOR CYTOLOGICAL EXAMINATION IN THE EARLY DIAGNOSIS OF PERIODONTAL DISEASES IN CHILDREN WITH DISABILITIES

<sup>1</sup>Eronov Yo.K., <sup>2</sup>Mirsalixova F.L.

<sup>1</sup>Bukhara State Medical Institute, <sup>2</sup>Tashkent State Dental Institute

### ✓ Resume

*The problem of treatment of periodontal diseases remains relevant to this day. Certain achievements in the complex treatment of chronic gingivitis, despite the fact that its prevention has been brought to perfection, the high level of this pathology, the steady increase in morbidity indicate the urgency of the problem. This is due to the widespread prevalence of periodontal diseases (80-95%), diagnostic difficulties associated with a variety of clinical manifestations, the complexity of their treatment and prevention.*

*Keywords: Children with disabilities, periodontal diseases, diagnostics, cytological examination.*

### Долзарблиги

Имконияти чекланган болаларда пародонтитлар сурункали яллиғланиш жараёнининг кетма-кет босқичларини ўзида намоён этади. Пародонтитларини ўз вақтида самарали ва тўғри даволаниши катталарда келажакда пародонт касалликлари ривожланишининг ишончли профилактикасида муҳим аҳамиятга эга.

Пародонт касалликларининг диагностикаси учун самарали усуллардан бири милк шиллик қаватида изларнинг цитологик ўрганилиши ҳисобланади.

Адабиётларда асосан катта аҳолида милк шиллигида цитологик характеристика ёритилган. Болалик ёшида мазкур муаммо жуда кам ўрганилган, лекин катта беморларда милк изларининг цитологик ўрганилиши милк шиллик қаватини ҳолатини баҳолашнинг бош кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Имконияти чекланган болаларда пародонт касалликларини диагностика қилиш ва профилактика самарадорлигини ошириш учун ҳозирги кунда цитологик тадқиқотлар болалар стоматологиясида долзарб муаммо ҳисобланади [1.2.3.5.7.9.11.13.15.17.19].

**Тадқиқот мақсади:** Имконияти чекланган болаларда пародонт касалликларини эрта ташхислашда цитологик текширув кўрсаткичларини таҳлилий ўрганиш.

### Материал ва усуллар

Имконияти чекланган болаларда пародонт юмшоқ тўқималарини ҳолатининг цитологик ўрганилиши цитограмма изларида куйидаги қонуниятларни аниқлади: 1 – эпителиал хужайралар устунлиги – 87,25%, уларда 50,12% и тангача кўринишдаги ядросиз дағал эпителиал хужайралар, тиканли қатламнинг текис эпителиал, ядроли хужайралари – 37,13% ни ташкил қилди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Имконияти чекланган болаларда милк шиллик қаватида изларнинг цитологик характеристикаси

Цитологик сурат Хужайра элементлари	Ўрганилаётган гуруҳлар		
	Назорат гуруҳи	1 даволаш гуруҳи	2 даволаш гуруҳи
I. Эпителиал	71,1±3,5	62,1±5,6	56,84±4,17
1. Ядрога эга эпителиал хужайралар	31,15±1,97	29,42±2,7*	27,13±1,8*
2. Ядросиз дағал хужайралар	46,95±1,19	32,71±5,1*	29,71±2,3*
II. Бириктирувчи тўқима	17,06±2,18	23,96±2,3	29,44±3,2
1. ПМЯЛ	13,6±1,24	19,45±1,9*	23,17±2,1*
2. Шикастланмаган моноцитлар	1,61±0,17	2,17±0,5*	3,12±0,79*
3. Очик ядроли моноцитлар	1,85±0,21	2,34±0,6*	3,15±1,4*
4. Фибробластсимонлар	0,00±0,00	0,16±0,02	0,21±0,03*
III. Цитопатология аломатларига эга	0,58±0,02	2,22±0,7	2,89±0,41
1. Деформацияланган ядро	0,15±0,01	0,58±0,12	0,64±0,23
2. Вакуолизланган цитоплазма	0,17±0,03	0,59±0,17	0,71±0,13
3. Базофил кўшимчалар	0,07±0,01	0,06±0,02	0,05±0,03
4. Контаминирланган	0,19±0,05	0,57±0,13	0,90±0,15
5. Фагирловчи	0,00±0,00	0,41±0,12	0,56±0,11

Эслатма: \* -  $P < 0,05$  назорат гуруҳидаги катталикларга нисбатан ишончли фарқ.


## Натижа ва таҳлиллар


Бириктирувчи тўқима ҳужайралари эпителиал ҳужайралардан анча кам бўлди ва уларнинг миқдори 15,72% ни ташкил қилди. Улардан ПМЯЛ хиссаси 18,97%, шикастланмаган моноцитлар – 1,91% ни, очиқ ядроли моноцитлар – 1,84% ни ташкил қилди. Болаларнинг назорат гуруҳида эпителиал ҳужайраларнинг миқдори минимал бўлди ва  $0,56 \pm 0,02$  га тенглашди. Шунингдек вакуолизирланган цитоплазмали ҳужайраларнинг минимал сезилмас миқдориди,  $0,17 \pm 0,03\%$ , цитопатология аломатларига эга ҳужайраларнинг бошқа турлари ҳисобланди; деформацияланган ядролитар  $0,13 \pm 0,01\%$ ; контаминирланган микроорганизмлар  $0,19 \pm 0,05\%$ .

Имконияти чекланган болаларда цитологик тадқиқотлар 25% (5 нафар бола) да клиник соғлом пародонт ва ПМЯЛ, очиқ ядроли ва шикастланмаган моноцитлар каби бириктирувчи тўқима ҳужайралари орасида алоҳида кўрсаткичларнинг ишончли ошганлиги, шунингдек ҳужайраларнинг маълум даражада дистрофик ўзгаришларини аниқлади, бу ҳали клиник ифодаланмаган маргинал пародонтнинг яллиғланиши ҳамда болаларнинг мазкур гуруҳида СКГ, ЯДИ ва ДИ клиникадан олдинги диагностикасида цитологик тадқиқотдан фойдаланиш имконини кўрсатади, улар мос равишда  $7,14 \pm 1,2$  ва  $25,5 \pm 5,2$  ташкил қилди [2.4.6.8.10.12.14.16.18].

Имконияти чекланган болаларда милкнинг цитологик изларида эпителиал ҳужайраларнинг устунлиги, бириктирувчи тўқима ҳужайраларининг кам миқдори ва патологик ўзгарган ҳужайраларнинг жуда кам миқдорини, ЯДИ ва ДИ индексларининг паст қийматларини айтиб ўтиш лозим. Олинган маълумотлар маргинал пародонтнинг клиник аломатлари пайдо бўлишидан олдин, унинг бошланғич аломатларини эрта диагностика қилиш учун цитологик методдан фойдаланиш имкониятидан гувоҳлик қилади.

Назорат гуруҳи 1 ва 2 даволаш гуруҳи билан таққосланганида, цитологик тадқиқотда, даволаш гуруҳларида цитограмма кўрсаткичлари назорат гуруҳидаги цитограмманинг ўртача кўрсаткичлари билан бир хил бўлмаганлиги аниқланди, бу тадқиқотнинг цитологик усули милкда яллиғланиш реакциялари пайдо бўлишига юқори таъсирчанлигидан дарак беради.





**1-расм. Имконияти чекланган болаларда милк шиллиқ қавати изининг цитологик характеристикаси**

Милкда СКГ учун хос бўлган яллиғланиш ўзгаришларида назорат гуруҳи билан таққосланганда цитограмма кўрсаткичларининг ишончли ўзгаришлари аниқланган. Шундай қилиб, соғлом милк билан таққослаганда ҳам 1, ҳам 2 даволаш гуруҳларида эпителиал хужайралар миқдорининг камайиши белгиланган. Даволаш гуруҳларида эпителиал хужайралар миқдорининг ишончли камайиши кузатилади (4.2.1-жадвал), бу яллиғланиш-деструктив ўзгаришлар устунлиги ҳақида гувоҳлик қилади.

Цитопатология ҳодисалари билан эпителиал хужайраларнинг 3,8 ва 4,9 марта ошади. Шундай қилиб, агар назорат гуруҳида деформацияланган ядроли хужайралар миқдори  $0,15 \pm 0,01$  га тенг бўлган бўлса, даволаш гуруҳларида мос равишда  $0,58 \pm 0,12$ ;  $0,64 \pm 0,23$  ва 3,8 ва 4,3 марта ўсишини намоён қилади. Микроорганизмлар билан кантомирланган хужайралар 3 ва 4,7 марта ошди. Базофил қўшимчаларга эга хужайралар миқдори аксинча, мос равишда 1,2 ва 1,4 марта камайди. Ҳам 1, ҳам 2 даволаш гуруҳида фазирловчи хужайралар ҳосил бўлди [1,2,21.23.25.27].

Шунингдек умумий миқдорда бириктирувчи тўқима хужайра элементларининг юқори ишонч билан 1,4 ва 1,7 марта ошганлиги айтиб ўтиш лозим. ПМЯЛ каби яллиғланиш характериға эга хужайраларнинг миқдори батафсил таққосланиши унинг назорат билан таққослаганда 1 гуруҳда 1,4 марта, 2-даволаш гуруҳида 1,7 марта ошганлигини аниқлади ( $13,6 \pm 1,24\%$  га қарши мос равишда  $19,45 \pm 1,9\%$  ва  $23,17 \pm 2,1\%$ )(4.2.2-жадвал).

Очиқ ядроли моноцитларнинг ўрганилиши назорат гуруҳи билан таққослаганда даволаш гуруҳларида мос равишда 1,3 ва 1,7 марта фоиз миқдорда ошганлигини кўрсатди, бу яллиғланиш-деструктив ўзгаришлар устунлик қилаётганлигидан дарак беради. Шикастланмаган моноцитлар ўсиш динамикасининг худди шундай характериға эга ва назорат гуруҳи билан таққослаганда 1 ва 2 даволаш гуруҳларида 1,3 ва 1,9 марта ўсди (7-расм).

Имконияти чекланган болаларда пародонт юмшоқ тўқималари – милкида аҳамиятли ифодаланган яллиғланиш жараёни мавжудлигини аниқлади. Шундай қилиб, 1 даволаш гуруҳида деструкция ва яллиғланиш-деструктив индекснинг индекс қиймати назорат гуруҳида ЯДИ қийматида 3,5 марта, ДИ да 2,7 марта юқори бўлди. Назорат гуруҳида ЯДИ  $7,14 \pm 1,2$  га тенг унга қарши  $24,99 \pm 1,7$  ва ДИ  $25,0 \pm 5,2$  ва унга қарши  $67,5 \pm 3,1$ . 2 даволаш гуруҳида ЯДИ нинг шундай қонунияти 3,9 марта юқори, ДИ эса 3 марта.

Шундан келиб чиқиб, цитоморфометрия маълумотларидан фойдаланиб болаларда пародонтитларни диагностика қилиш мезони сифатида куйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин деган хулосаға келиш мумкин:

1. Эпителиал қатор хужайраларининг сезиларли даражада камайиши.
2. Цитоплагия ҳодисалариға эга хужайраларнинг фоиз миқдорини ортиши.
3. Яллиғланиш инфилтрати хужайраларининг ортиши (ПМЯЛ).
4. ЯДИ ва ДИ кўрсаткичларининг ортиши.

Имконияти чекланган болаларда милк изларининг цитологик характеристикаси маълум қонуниятларга эга бўлди. Эпителиал хужайралар 74,5% ни ташкил этди ва хужайра пуласида устунлик қилди. Тиканли қатламда ядрога эга эпителиал хужайралар 31,42% ни, дағал текис эпителиал ядросизлар – 32,71%. Базал эпителиал хужайралар 0,2% ни ташкил қилди.

Цитопатология ҳодисаларига эга эпителиал хужайралар 2,33% ни ташкил қилди, вакуолизирланган цитоплазмали 0,41% ни, деформацияланган ядроли – 0,49% ни, базофил кўшимчалар билан 0,01% ни, кантомирланган 0,52% ни, фагирловчи 0,9% ни. Бириктирувчи тўқима хужайраларининг миқдори 23,17% ни ташкил қилди. 1-даволаш гуруҳи мактаб ёшидаги болаларнинг милк изларининг цитограммасида полиморф ядроли лумфоцитларнинг миқдори 21,34% ни, шикастланмаган ва очик ядроли лимфоцитлар мос равишда 2,47% ва 2,64% ни ташкил қилди. Фибробласт хужайралар аниқланмади.


2-жадвал

**Имконияти чекланган болаларда бўйича милк шиллиғида изларнинг солиштирма характеристикаси**

Цитологик сурат	Ўрганилаётган гуруҳлар		
	1- ДЦГ (СКГ энгил шакли)	2- ДЦГ (СКГ нинг ўрта-оғир шакли)	3- ДЦГ (СКГ нинг оғир шакли)
I. Хужайра элементлари			
1. Ядрога эга эпителиал хужайралар	61,83±4,8*	79,65±5,1*	88,53±4,9*
2. Ядросиз дағал хужайралар	31,64±3,2	37,15±2,8*	41,32±3,7*
II. Бириктирувчи тўқима			
1. ПМЯЛ	30,19±2,7	42,5±3,1*	47,21±2,9*
2. Шикастланмаган моноцитлар	18,44±1,3*	26,83±2,9*	29,36±1,8*
3. Очик ядроли моноцитлар	15,36±0,3	21,8±1,2	23,5±1,9
4. Фибробластсимонлар	1,31±0,12	2,9±0,5	3,4±0,7
III. Цитопатология аломатлари билан	1,20±0,21*	2,13±0,3*	2,3±0,5*
1. Деформацияланган ядро	-	-	0,16±0,02
2. Вакуолизирланган цитоплазма	2,26±0,8*	2,48±0,6*	2,64±0,7*
3. Базофил кўшимчалар	0,57±0,12	0,63±0,15*	0,67±0,1*
4. Контаминирланган	0,59±0,1*	0,65±0,13*	0,69±0,12*
5. Фагирловчи	0,07±0,14*	0,61±0,1*	0,62±0,14*
	0,45±0,11*	0,51±0,11*	0,52±0,13*
	0,36±0,13	0,40±0,12	0,43±0,11

Эслатма: \*-  $P < 0,05$  назорат гуруҳидаги катталикларга нисбатан ишончли фарқ.

Имконияти чекланган болаларда пародонтитларини давлашдан 21,8±3,2 га, ДИ - 700±6,3 га тенг бўлди, бу пародонтнинг юмшоқ тўқималарида яллиғланиш реакцияси мавжудлигини кўрсатади.



**2-расм. Даволаш гуруҳлари бўйича милк шиллигидан изларнинг солиштирма характеристикаси**

Имконияти чекланган болаларда пародонт касалликларини клиник ўрганиш учун тузилган I ва 2-даволаш гуруҳларида солиштирма тадқиқотларда пародонт юмшоқ тўқималарида изларнинг цитогарма кўрсаткичи бўйича сезиларли фарқ аниқланмади, кўрсаткичлар асосан цитоморфологик характеристиканинг бир хил қонуниятларига эга. Шундан келиб чиқиб, иккала ёш гуруҳида пародонт юмшоқ тўқималарида яллиғланиш жараёни бир хил кечади, бунинг асосида цитологик тадқиқотлар учун 3 даволаш гуруҳи тузилди, улар пародонтитларни кечувининг клиник оғирлигига боғлиқ равишда бўлинди.

Яллиғланиш жараёнининг ривожланиши билан, эпителиал хужайраларнинг миқдори ва цитопатологиянинг кўринишлари ўсди. Эпителиоцитларда турли цитопатологиялар уйғунлигининг частотаси ҳам ўсди.

Пародонтнинг ҳолатига боғлиқ равишда бириктирувчи тўқима цитограммаларида моноцитлар ёки сегмент ядроли лейкоцитларнинг аралашмалари аниқланди. Клиник интакт пародонтда алоҳида моноцитлар ва сегмент ядроли лейкоцитларнинг намоён бўлишини қийинчилик билан кузатиш мумкин. Пародонтнинг юмшоқ тўқималарида яллиғланиш жараёнлари ривожланганида, олдин сегмент ядроли лейкоцитлар сонининг ўсиши бошланади ва моноцитлар сонининг жадаллашиб ўсиши ва фибробластлар пайдо бўлиши кузатилади [1,2,20.22.24.26.28].

Имконияти чекланган болаларда пародонтит диагностикаси учун хос суратга эга пародонт юмшоқ тўқималарида цитологик баҳолашдан фойдаланиш тавсия этилади: ядрога эга ва ядросиз дағал эпителиал хужайралар миқдорининг дифференсацияланишининг терминал босқичда ортиши. Васкулизирланган цитоплазмали, деформацияланган ядроли хужайралар цитоплагиясининг ортиши. яллиғланиш характеридаги хужайралар ПМЯЛ, очиқ ядроли ва шикастланмаган моноцитларда сонининг ортиши, бу жинсий етуклик даврининг бошланиши ва улар чақирган организмдаги гормонал қайта тузилишлар билан тушунтирилади. Шунингдек пародонтит диагностикаси учун милк шиллиқ қавати изларининг кўшимча цитопатологик тадқиқоти кўлланилганида қатор цитологик ўзгаришлар аниқланди. Милкларнинг шиллиқ қавати цитограммаларида цитопатологиянинг эпителиал хужайралар орасида кескин ошиши ва цитограммаларда кам етилган эпителиоцитлар томонга силжиш аниқланган.

### Хулоса

Шундан келиб чиқиб, цитологик метод билан маргинал пародонт яллиғланиши бошланғич аломатларини уларнинг клиник аломатлари пайдо бўлишидан анча олдин эрта диагностика қилиш учун пародонт юмшоқ тўқималарини ҳолатини баҳолаш мумкин. Болаларда шиллиқ милк эпителийсининг цитологик тадқиқот кўрсаткичлари нафақат пародонтит ривожланишини башорат қилиш имконини беради, балки шунингдек ўтказилаётган даволашнинг самарадорлигини аниқлаш мезони бўлиб ҳам хизмат қилади.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Эронов Ю.К. Анализ для определения особенностей лошлы-ющенко-краснагорского у детей церебральной перспективы с характеристиками штаммового состава //Новый день в медицине 2(30)2020 267-269 <https://cutt.ly/PvstDrh>
2. Эронов Ю.К., Раджабов А.А. Оценка распространенности кариеса у детей с ДЦП//Новый день в медицине 2(30)2020 625-626 <https://cutt.ly/KvPIZlc>
3. Eronov Y.Q., Mirsalixova F.L. Treatment of chronic catarrhal gingivitis in children with disabilities improvement //World Bulletin of Social Sciences. – 2021. – Т. 3. – №. 10. – С. 71-74.
4. Eronov Y.Q., Mirsalixova F.L. Diagnosis, prophylaxis and treatment of chronic catarrhal gingivitis in children with disabilities improvement //World Bulletin of Social Sciences. – 2021. – Т. 3. – №. 10. – С. 67-70.
5. Eronov Y. Q., Mirsalixova F. L. Dynamics of the prevalence of diabetes and the study of dental status in children of the bukhara region //International Journal of Applied Research. – 2019. – Т. 5. – С. 151.
6. Eronov Y. K., Mirsalikhova F. L. Indications for the comprehensive prevention and treatment of dental caries in children with cerebral palsy //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – Т. 25. – №. 1. – С. 5705-5713.
7. Eronov Y. Q., Kamalova M. Q. Evaluation of caries prevalence in children with cerebral palsy //Academicia: an international multidisciplinary research journal. – 2020. – Т. 10. – С. 85-87.
8. Rahmatilloevna K. F. et al. Improving the Methods of Treatment and Prevention of Complications of Odontogenic Diseases of the Jaws in Children //Eurasian Medical Research Periodical. – 2022. – Т. 6. – С. 168-171.
9. Rahmatilloevna K. F. et al. Comparative Characteristics of Surgical Methods for Fixing Bone Fragments of the Zygomatic Bone and Arch //Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2022. – Т. 6. – С. 46-48.

10. Kamalova F.R., Xamitova F.A., Safarova M.S. Application of autemotombocyte mass in surgical dentistry // *湖南大学学报 (自然科学版)*. – 2021. – Т. 48. – №. 7.
11. Kamalova F. R., Safarova M. S. Artificial feeding and dental health // *湖南大学学报 (自然科学版)*. – 2021. – Т. 48. – №. 7.
12. Rahmatillaevna K. F., Umarovich S. S. Consequences Of Early Extraction of Deciduous Teeth in Children // *Eurasian Medical Research Periodical*. – 2021. – Т. 1. – №. 1. – С. 51-54.
13. Камалова Ф.Р. Первичная профилактика стоматологических заболеваний у детей страдающих с сахарным диабетом // *Новый день в медицине*. – 2020. – №. 2. – С. 383-386
14. Раджабов А.А., Раджабов А.Б., Темирова Н.Р., Камалова Ш.М. Оценка результатов первичной хейлопластики у детей с врожденной двусторонней расщелиной верхней губы и нёба // *Электронный научный журнал «Биология и интегративная медицина»*. - 2017. - № 5. - С. 36-46.
15. Axtamovich R. A. Improvement of Treatment and Prevention of Fluorosis in Children of School Age // *Middle European Scientific Bulletin*. – 2022. – Т. 22. – С. 170-172.
16. Axtamovich R. A. Evaluation of the Results of Primary Cheiloplasty in Children with Congenital Bilateral Cleft Lip and Palate // *Middle European Scientific Bulletin*. – 2022. – Т. 22. – С. 173-177.
17. Mirsalikhova F. L., Eronov Y. K., Radjabov A. A. Prevention and treatment of caries in children with cerebral palsy // *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*. – 2019. – Т. 9. – №. 12. – С. 68-70.
18. Мирсалихова Ф. Л. Минимально инвазивный метод лечения кариеса зубов у детей // *Стоматология детского возраста и профилактика*. – 2018. – Т. 17. – №. 1. – С. 28-30.
19. Мирсалихова Ф. Л. Отсроченное пломбирование при кариесе постоянных зубов у детей с несформированными корнями // *Клиническая стоматология*. – 2018. – №. 1. – С. 4-7.
20. Мирсалихова Ф. Л. Минимально щадящий подход к лечению кариеса зубов у детей // *АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СТОМАТОЛОГИИ*. – 2017. – С. 238-241.
21. Mirsalikhova F. L. Efficiency of the micropreparation method in treatment of children caries // *Scientific researches for development future: medicine and natural science San Francisco, USA* 15may. – 2018.
22. Mirsalikhova F. L. The importance of biophysical properties and mineralizing function of salives in children during cutting of constant teeth period // *International Conference Science, Research, development Philology, Sociology and culturology Berlin* 30-31.05. – 2018.
23. Lukmonovna M. F. Upgraded approach and methods of use of modern theory comprehensive prevention programs dental caries in children // *European science review*. – 2016. – №. 9-10. – С. 110-112.
24. Мирсалихова Ф. Л. Особенности биофизических свойств и минерализующей функции слюны у детей в период прорезывания постоянных зубов // *Клиническая стоматология*. – 2016. – №. 4. – С. 4-6.
25. Mirsalikhova F. L. Indications for the Comprehensive Prevention and Treatment of Dental Caries in Children with Cerebral Palsy Eronov Yo. K // *Annals of RSCB*. – 2021. – Т. 25. – №. 1. – С. 5705-5713
26. Мирсалихова Ф., Хамидов И. ХАРАКТЕРИСТИКА МИКРОБИОЦЕНОЗА МЯГКИХ ТКАНЕЙ ПАРОДОНТА У ШКОЛЬНИКОВ // *Stomatologiya*. – 2019. – Т. 1. – №. 4 (77). – С. 40-42
27. Mirsalikhova F. L. et al. Implementation of Comprehensive Prevention of Dental Caries in Children with Cerebral Palsy // *International Journal of Human Computing Studies*. – Т. 2. – №. 6. – С. 22-24.
28. Мирсалихова Ф. Современные методы диагностики кариеса зубов у детей // *Stomatologiya*. – 2016. – Т. 1. – №. 4 (65). – С.115-121.

**Қабул қилинган сана 15.10.2022**